

ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

илмий журнали

2000 йилдан бошлаб чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан иқтисод фанлари доктори ва иқтисод фанлари номзодлари илмий даражаларини ҳимоя қилишида мақолалари ҳисобга олинган журналлар рўйхатига киритилган

5
2012

ТАЪСИСЧИ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Тахрир ҳайъати:

И.ф.д., проф. Ходиев Б., и.ф.д., проф. Бегалов Б. – кенгаш раиси ўринбосари, и.ф.д., проф. Абдурахмонов Қ., и.ф.д., проф. Алимов Р., и.ф.д., проф. Ахунова Г., и.ф.н., доц. Ахмедов И. и.ф.д., проф. Бекмуродов А., и.ф.д., проф. Болтабоев М., и.ф.н., доц. Гадоев Э., Академик Гуломов С., и.ф.д. Далиев А., и.ф.д., проф. Икромов М., и.ф.н. Рахимов С., и.ф.н. Тураев Б., и.ф.н. Фарманов А., и.ф.н. Шайхов А., и.ф.д., проф. Хасанов Б., и.ф.д., проф. Холмўминов Ш., и.ф.н. Ходжаев Б., и.ф.н. Кўчқоров Ж., и.ф.д., проф. Қодиров А., и.ф.д., проф. Эгамбердиев Ф., и.ф.н. Югай А.

Бош муҳаррир и.ф.д., проф. Иватов И.

Тошкент Давлат иқтисодиёт
университетининг «Иқтисодиёт»
нашриёти томонидан нашрга тайёрланган.

Журнал Тошкент шаҳар Матбуот ва
ахборот бошқармасида 02-0041-рақами
билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-6130

© Иқтисодиёт ва таълим, 2012.

ТОШКЕНТ

МУНДАРИЖА

I. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

Маматурдиева Д.	Малакали кичик мутахассислар – келажагимиз.....	4
Махкамova Ш.	Анализ состояния занятости и расслоения населения за рубежом.....	6
Авазов Э.	Минтақа иқтисодиётида фермер хўжаликлари эволюцион ривожланиши ва унинг самарадорлиги.....	9
Отеулиев А.	Социально – экономическое значение малого бизнеса для экономики Республики Каракалпакстан.....	11
Курбонов С.	Қишлоқ меҳнат бозорида рақобатдош кадрлар тайёрлаш тизимини иқтисодий рағбатлантириш йўллари.....	13

II. ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Бабаджанов А.	Республика ҳудудларида қишлоқ хўжалиги илмий таъминот тизимининг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш.....	16
Кадин С.	Диагностика эффективности использования интеллектуального капитала в системе инновационного сотрудничества образования, науки и производства Узбекистана... ..	18
Набиев М.	Инвестициялар бухгалтерия ҳисобининг янги объекти сифатида.....	20
Матқулиева С.	Хизматлар соҳасида кичик бизнес субъектларини модернизациялаш механизмини такомиллаштириш.....	23
Пардаев О.	Қишлоқда юқори технологик хизматлар: турлари ва уларнинг инновацион иқтисодиётни шакллантиришдаги роли.....	25
Алиева Г.	Ҳудуд ижтимоий инфратузилмаси ривожланишини инновацион бошқариш самарадорлигини оширишга таъсирини баҳолаш.....	27
Курбанова Р.	Самарқанд вилоят «Оби-Раҳмат» ОАЖ «Юлдуз» ресторани инновацион ҳолатини баҳолаш.....	30

III. МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ

Шаманов М.	Особенности формирования деятельности службы управления персоналом в коммерческом банке.....	33
Маджидов Ш., Хакимов Б.	Ипакчилик маҳсулотлари сифатини бошқариш самарадорлиги.....	35
Жумаев Н., Хошимов Э.	Корхона қийматини бошқариш тизими ва уни жорий этишнинг концептуал жиҳатлари.....	37
Рахимова Н.	Хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни ва унинг ривожланиш кўрсаткичлари.....	41
Тугалов Х., Абдусаматов Б., Пўлатов З.	Уй-жойларни жорий таъмирлашдаги сервис хизмат кўрсатиш жараёнининг меҳнат унумдорлигига таъсир этиши.....	42
Худойкулов М.	Тўқимачилик тармоғидаги акциядорлик жамиятларида бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари.....	45
Мирзаев С.	Нефть-газ тармоғининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни.....	48
Акбаров И., Зокиржонов С.	Автотранспорт хизматини логистик бошқариш фаолиятини баҳолаш.....	51
Глеуов Н.	Перспективы экономического роста пищевой промышленности в Республике Каракалпакстан.....	53
Турсунова М., Сабиров Н.	Пойабзал саноатининг ривожланиш стратегиясини белгилаш асосида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш йўллари.....	55
Юлчиева Г., Юлдашева Д.	Фермер хўжаликлари фаолиятини индикатив режалаштириш ва башоратлаш.....	58
Шоназаров А.	Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш бозорини шакллантириш ва самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш.....	61
Азларова С.	Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари.....	63
Салимов Б.	Аграр тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш ва жаҳон озиқ-овқат бозорларига интеграциялашуви.....	65
Юсупов М.	Investment attractiveness to agro-industry in Uzbekistan.....	69
Khalmirzaeva D.		

IV. МОЛИЯ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Икрамова Н.	Пути развития розничной банковской услуги в Узбекистане.....	73
Тўйчиев Т.	Қишлоқ хўжалиги корхоналарига банклар томонидан ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш амалиёти.....	75
Ташназаров С.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг моҳияти ва мақсади.....	78

Республика иқтисодиётида тўқимачилик корхоналарининг муҳим ўрин тутиши улар бошқарув механизмини доимий равишда такомиллаштириб боришини талаб этади. Бунда тармоқ корхоналарида бошқарув механизмининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида акциядорлик жамиятлари менежментида бошқариш тизимининг ўзига хос илмий-услубий асосларини ўрганиш, молиявий – ҳўжалик фаолиятини асосий йўналишларини белгилаш, бозор муносабатларига мослаштирилган бошқарув тизимини яратиш, бошқариш самарадорлигини оширишнинг технологик, ташкилий асосларини ривожлантириш борасидаги бир қатор муаммолар тадқиқ этилади. Бунда менежмент акциядорлик жамияти олдида кўйилган мақсадни амалга ошириш

жараёнида фаолиятни тўғри ташкил этиш, режалаштириш, назорат қилиш, корхона ичидаги ўзаро таъсирлашувчи омилларни мувофиқлаштириш каби муносабатларни муҳассамлаштиради.

Хулоса қилганимизда, тўқимачилик тармоғидаги акциядорлик жамиятларида бошқаришнинг асосий мақсади самарадорликни ошириш жараёнига боғланган. Бу эса ҳар бир бўғинда бошқариш тизимини такомиллаштириш, таркибий тизимларни ва ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар маркетингини ташкил этиш, аҳоли эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш учун истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар ечимини топишни тақозо этади.

Адабиёт:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4053-сонли Фармони. -Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 47-сон.*


Магис. С. Мирзаев

Нефть-газ тармоғининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг пировард мақсадини белгилаб олиш ҳозирги ислоҳ қилиш стратегиясининг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади. Бунда асосий эътибор ёқилғи-энергетика комплексининг илдам суръатлар билан ривожланишини таъминлаш, нефть ва табиий газ қазиб чиқариш ҳамда уларни қайта ишлаш ҳажмларини ошириб бориш, республиканинг энергетика мустақиллигига эришишга қаратилган[1].

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилидаёқ Президент Ислам Каримовнинг эътибори ҳамда кўрсатмалари билан нефть ва газ саноатига республикамиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи сифатида қаралди. Мамлакатимизда нефть ва газ саноатини бошқариш тузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида Республика Президентининг 1992 йил 3 майдаги 393-сонли Фармонида асосан Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат-концерни – «Ўзбекнефтгаз» ташкил қилинди[2]. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида республика нефть, газ ва нефтни қайта

ишлаш саноати тармоқларининг самарали ишлашини ва янада ривожланишини таъминлаш, таркибий бўлинмаларининг ташаббуси ва мустақиллигини кенгайтириш ҳамда истеъмолчиларни нефть, нефть маҳсулотлари ва газ билан пухта таъминлаш мақсадида 1992 йил 23 декабрда Президентнинг Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концернини Нефть ва газ саноати («Ўзбекнефтгаз») миллий корпорациясига айлантириш тўғрисида 518-сонли Фармони қабул қилинди[3]. Юртбошимиз нефть-газ саноатини ривожлантиришнинг учта стратегик йўналишини аниқ-равшан белгилаб қўйди. Биринчиси – мамлакатни ўзимизда қазиб олинаётган хомашё билан таъминлаш, яъни нефть ва газ қазиб олишни кўпайтириш. Иккинчиси – соҳада илғор технологияларни жорий этиб, нефть ва газни мукамал қайта ишлаш. Учунчиси эса, нефть ва газ саноати хомашё базасини мустаҳкамлаш, янги нефть ва газ конларини очишдир. Бугунги кунда бу вазифаларнинг ечими рўёбга чиқиб, ўз самараларини бермоқда.



Расм. Нефть-газ саноатини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари

Нефть ва газ қазиб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, янги нефть ва газ конлари ўзлаштирилишини жадаллаштириш, нефть ва газни қайта ишлаш ҳамда ташиш самардорлигини ошириш, хорижий сармояларни жалб этиш борасидаги ишларни фаоллаштириш, республиканинг нефть ва газ саноатида бозор муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда нефть-газ тармоғини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 декабрдаги 2154 - сонли Фармонида кўра, «Ўзбекнефтгаз» нефть ва газ саноати миллий корпорацияси «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига айлантилди[4].

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин дунёдаги табиий газ қазиб чиқарувчи 90 дан зиёд давлатлар орасида етакчилик қилувчи биринчи ўнлик давлатлари сафида XXI асрга қадам қўйди. Жами суёқ ва табиий газ углеводород хомашёсини қазиб чиқариш йиллик ҳажми бўйича эса Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида етакчилик қилади[5].

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар муҳимлигини тушунган ҳолда Ўзбекистон Республикасида хорижлик инвесторлар билан муносабатларни яхшилаш мақсадида инвестицион муҳит ва қонунларни мукамаллаштириш юзасидан барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда[6].

Янги нефть-газ конларини аниқлаш, нефть ва табиий газни қазиб олиш учун зарур бўлган инвестициялар топилди, жумладан, хориж сармояси жалб этилди. Бухорода нефтни қайта ишлайдиган янги замонавий завод барпо этилди, Фарғона ва Олтиариқдаги нефтни қайта ишлаш заводлари модернизация ва реконструкция қилинди, уларнинг барқарор ва ишончли фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратилди.

Шунингдек, ўзининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятига кўра ўхшаши бўл-

маган Шўртан-газ-кимё мажмуаси каби ноёб иншоот барпо этилди. Ушбу корхонада тайёрланаётган суялтирилган газ, турли маркадаги полиэтилен ва бошқа маҳсулотларга нафақат мамлакатимиз, балки чет элларда ҳам талаб катта[7].

Республикамизга 2000-2011 йиллар мобайнида тўғридан-тўғри киритилаётган хорижий инвестицияларнинг катта қисми нефть-газ соҳасида тўпланган, қолган қисми иқтисодиётнинг бошқа секторларига тўғри келади[8]. 2009 йилда мамлакат иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 2008 йилдагига нисбатан деярли 1,7 марта ўсди. Бу инвестицияларнинг асосий қисмини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этиб, уларнинг ўсиши 1,8 баробарга тенг бўлди[9].

Мамлакатда нефть ва газ Фарғона, Сурхондарё, Ҳисор, Бухоро – Хива, ва Орол – Устюрт минтақаларида топилган[10]. Нефть-газ захиралари мавжуд мазкур ҳудудларда «Ўзбекнефтгаз» МХК билан ҳамкорликда «Газпром», ЛУКОЙЛ, CNPC (Хитой), KNOС (Жанубий Корея) ва Petronas (Малайзия) сингари чет эл компаниялари шерикчилик асосида нефть-газни қазиб олиш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича узоқ муддатли лойиҳаларни амалга оширишмоқда. 2007-2011 йиллар мобайнида мамлакатимизда жами 48 та нефть-газ конлари очилган бўлса, шундан 33 таси «Ўзбекнефтгаз» МХК, 15 таси эса чет эл компаниялари ҳиссасига тўғри келади[11]. Инвестициявий лойиҳаларнинг энг муҳим вазифаларидан бири уларга экологик чиқим-харажатларни ҳам киритиш ҳисобланади[12]. Амалга оширилаётган барча нефть ва газ операциялари Ўзбекистон Республикаси Давлат табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси билан келишилган дастурларда кўзда тутилган узлуксиз экологик мониторинг билан бирга олиб борилмоқда. Масалан, ЛУКОЙЛ компанияси томонидан Жануби-ғарбий Ҳисор конлари бўйича нефть

казиб олишнинг технологик жараёнлари учун экологик сертификатлар олинди.

2011 йилнинг 6 октябрида Хорватиянинг Дубровник шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро Газ Иттифоқи Кенгаши йиғилишида ушбу ташкилот аъзолари ҳисобланган 77 та мамлакатнинг вакиллари томонидан Ўзбекистон мазкур иттифокнинг ҳақиқий аъзолигига қабул қилинди.

2012 йил 1 январь ҳолати бўйича республикамизда нефть-газ топилмалари бўйича углеводород конларидан жами 242 таси аниқланган. Шулардан 104 тасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, 66 таси ўзлаштириш учун тайёрланиб, тўхтатиб қўйилган ва 72 тасида геология-резведка ишлари олиб борилмоқда.

“Ўзбекнефтгаз” МХК 2012–2020 йилларда Ўзбекистон жануби ва шарқида оғир нефть конларини излаш бўйича геология-резведка ишларига 50 млн. доллар сарфлашни режалаштирди. Жорий йилда Сурхондарё худудидаги Кўрсоғли-Дасманагин зонасидаги оғир нефть ва битум конларини излаш бўйича геология-резведка ишлари дастурини амалга оширишга киришилди. Ҳисоб-китобларига кўра, жорий йил охиригача мамлакат жанубидаги Сурхондарё худудида жойлашган “Бешарча” майдони зонасида оғир нефть конини излаш ва резведка қилиш бўйича ва шарқда Фарғона худудида геология-резведка ишлари дастурини тайёрлаш якунланмоқда. “Ўзбекнефтгаз” МХК ҳисоб-китобларига кўра, дастурларини амалга ошириш якунлари бўйича холдинг ҳар йили геология-техника тадбирлари ҳисобига қўшимча 300 минг

тоннагача нефть қазиб олишни режалаштирди. Ушбу технологияларни жалб этиш бўйича асосий ҳамкорлар сифатида Хитойнинг CNPC, Кореянинг KNOC, Саудия Арабистонининг Delta Oil Company, Чехиянинг Egiell Corporation, Гернсида (Нормандия ороллари) рўйхатдан ўтган Tethys Petroleum Ltd компаниялари кўриб чиқилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, стратегик мақсадимиз нефть ва газ саноати таркибидаги барча бирлашма, корхона ва ташкилот кучларининг самарали ишлаши, бозор муносабатларига ўтиши учун ягона ишлаб чиқариш кучлари комплексига жамлаш, уларнинг таркибий тузилмалари ташаббуси ва мустақиллигини кенгайтиришга қаратилди.

Айнан шу вақтдан бошлаб Ўзбекистонда ягона нефть ва газ тармоғи ривожлана бошлади. Унинг олдида углеводородларни қазиб олишни янада кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан имкони борича кўпроқ фойдаланиш, улар билан ички бозорни таъминлаш, юқори тўйинтирилган қийматли маҳсулот олиш учун нефть ва газни қайта ишлаш технологик жараёнларини чуқурлаштириш, импорт ўрнини босиш ва экспорт бозорига чиқиш, нефть-газ соҳасига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай шароит яратиш вазифалари турарди. Ўтган йигирма йилдан ошқроқ вақт мобайнида амалга оширилган ишлар, нефть ва газ саноати Ўзбекистон иқтисодиётида етакчи ва мустаҳкам ўрин эгаллаганидан далолат беради.

Адабиётлар:

1. Икрамов М.А., Кўчқоров А.Х. Стратегик менежмент: Ўқув қўлланма. – Т.: Фофур Гулом, 2005. 11-б.
2. Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концерни – «Ўзбекнефтгаз» ташкил қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 3 майдаги Фармони. //Ўзбекистон овози, 1992 йил 5 май.
3. Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концернини Нефть ва газ саноати («Ўзбекнефтгаз») миллий корпорациясига айлантириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 23 декабрдаги 518-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, февраль, № 2.
4. «Ўзбекнефтгаз» нефть ва газ саноати миллий корпорацияси «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига айлантириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 декабрдаги Фармони. //Халқ сўзи, 1998 йил 12 декабрь.
5. Абидов А.А. Дунё нефтьгазли худудлари ва акваториялари. – Т.: Шарқ, 2009. 38-б.
6. Якубов И.О., Очилов К.Т., Абдусатторова Х.М., Ситдиқова Л.А. Стратегик режалаштириш (Ўқув қўлланма). – Т.: ТДИУ, 2004, 122-б.
7. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. –Т.: Ўзбекистон НМДУ, 2008. 15-16-б.
8. Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. – Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011. 221-б.

9. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиётини юксалтириш ва халқ фаровонлигини ошириш. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 50-б.

10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд, –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 17-б.

11. Абдуллаев Г.С., Нурматов М.Р. Создание надежной сырьевой базы углеводородов на долгосрочную перспективу, инновации в области геологоразведочных работ. – Узбекский журнал «Нефти и газа», май, 2012, с. 20.

12. Общий курс менеджмента в таблицах и графиках: учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 1998. с. 262.

И. Акбаров, С. Зокиржонов

Автотранспорт хизматини логистик бошқариш фаолиятини баҳолаш

Бозор иқтисодиёти шароитида автотранспорт хизматининг тизими (мақсад йўналиши) тариф сиёсатини самарали бошқариш, юкларни ташишнинг тор доирасидаги фаолият турларига ихтисослашганлиги, тезкор йўналишларда турли ташиш воситаларида юк ташишга асосланган самарали транспорт технологиялари, жараёнлардан кенг кўламда фойдаланиш имконияти ва уларни иқтисодий баҳолаш услубиятлари илмий-амалий жиҳатдан такомиллаштиришни талаб этади. Умумий мақсад йўналишини ўрнатиб фаолият кўрсатиш техник, ижтимоий-иқтисодий тизимлар ташқи муҳит билан боғлиқ. Ташқи муҳит ўзгариши автотранспорт хизмати тизимига таъсир кўрсатади. Бир тизим доирасида фаолият кўрсатаётган ходим (раҳбар, менежер, ижрочи ва б.)лар орасида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муносабатлар ўрнатилади. Бу турдаги тизимларга транспорт жамоаси, фирмалар, корхоналар, ташкилотлар, тармоқлар, миллий иқтисодиётнинг ўзи ва бошқалар таъсир кўрсатади.

Корхоналар фаолиятини бошқариш уларнинг раҳбарлари, менежерлари, мутахассислари ва ижрочиларидан кенг касбий билим ва кўникма талаб этади. Чунки корхона (хўжалик)ларнинг ўзгармас харажатлари, устама харажатлари, ўзгарувчан харажатлари, тўла харажатлари, жорий харажатлари илғор ва замонавий молия механизми усуллари ва рычаг (механизм)лари ёрдамида ишлаб чиқилиши лозим. Юқорида келтирилган мақсадларни амалга ошириш, бир томондан, транспорт мажмуини жадал ривожлантиришга, иккинчи томондан, бу соҳада логистик бошқаришни такомиллаштиришга олиб келади.

Сўнгги йилларда транспорт тизимининг корхоналари, компаниялари поғонала-

рида халқаро иқтисодий муносабатлар, турли давлатлар орасида худудлар, иқтисодий уюшмалар ва бошқа ташкилотлар орасида савдо, илмий-техник, ишлаб чиқариш сингари хўжалик муносабатлари бошқа давлатларда жойлашган компаниялар билан жадал ривожланмоқда. Айниқса, бу МДХ давлатларига тааллуқлидир.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар давлатнинг хизмат ва муассасаларини қайта ташкил этиш мақсадида консультант-менежерлар ва консалтингли фирмаларни фаол жалб этмоқда. Чунки давлат секторларида, яъни кўппоғонали, пирамидали ташкилотлардан иборат бўлган маъмурий тузилмаларни катта бўлмаган горизонтал тузилишга ўтказмоқдалар. Ташкилий тузилмалар билан бир қаторда корхона ва ташкилотларнинг молиявий соҳаларида ҳам ўзгаришлар рўй бермоқда. Уларнинг мақсади – мавжуд молиявий ресурслардан самарали тезкор операцияларни бажаришга интилиш, бюджетнинг янги маблағларини шакллантириш йўллари-ни излаш, молиявий мустақилликни кучайтиришдир. Шу билан бирга давлатнинг хизмат бўлинмаларидаги ҳар хил поғоналар иқлимида, истеъмолчида ориентацияни максимал кучайтириш ҳам кўзда тутилган.

Ташқи мамлакат бозорида ўз хизмат кўрсатишини ёки маҳсулотини қўллаш мақсади учун бозор устуворлигини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак. Устуворлик ҳар бир маҳсулот (хизмат кўрсатиш) бозорларида ёки истеъмолчилар гуруҳининг ўзига хос талабларини ҳисобга олиши лозим.

Юқорида қайд этилганидек, транспорт тизими корхоналари ривожланишига таъсир этувчи омиллар, шакллар, усуллар сифат жиҳатидан кескин ўзгармоқда. Бу эса юк ташиш ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзга-